222

OZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

№ - 357 -К

# QAROR

2003 йил «16» август

**Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш ва ижарага ер ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги конунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги карорига хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-моддасига асосан ва А.Кодирий ширкат хужалиги аъзоларининг 7 февраль 2003 йилдаги «Хужалик аъзоси Муродов Мансурхонга фермер хужалик ташкил килиш учун хужаликнинг №-34 контуридан 18 гектар ер майдонини 50 йил муддатга ижарага ажратиш тугрисида»ги №-1 сонли умумий йигилиш карори, ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 5 сентябрдаги йигилиш баёнидаги ижобий хулосани, туман статистика булимининг «MEXROJXON»га ухшаш юридик шахснинг мавжуд эмаслигини исботловчи 15 август 2003 йилдаги №-0014-сонли маълумотнома-гувохномасини хамда А.Кодирий ширкат хужалиги аъзоси Муродов Мансурхоннинг фермер хужалик ташкил килиш ва унга ер ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини куриб чикиб

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1. «MEXROJXON» фермер хужалиги тегишли тартибда давлат руйхатидан утказилсин ва Низоми тасдиклансин.
2. А.Кодирий ширкат хужалиги аъзоларининг 7 февраль 2003 йилдаги «Хужалик аъзоси Муродов Мансурхонга фермер хужалик ташкил килиш учун хужаликнинг №-34 контуридан 18 гектар ер майдонини 50 йил муддатга ижарага ажратиш тугрисида»ги №-1 сонли умумий йигилиш карори тасдиклансин.
3. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан А.Кодирий ширкат хужалиги балансидан чикариш, тегишли меёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини таёрлаш;

-Туман хокимлиги «Тадбиркорлик субьектларини давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш» булими(А.Тошев)га фермер хужалигига давлат руйхатидан утказилганлик тугрисида гувохнома бериш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «MEXROJXON» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишини назорат килиш.

-туман Давлат солик инспекцияси (О.Жураев)га «MEXROJXON» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш ва солик ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-иктисослашган тижорат банкларига «MEXROJXON» фермер хужалиги учун банкда хисобракам очиш;

-туман ички ишлар булимига «MEXROJXON» фермер хужалигига мухр ва штамп тайёрлаш учун рухсат бериш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «MEXROJXON» фермер хужалигининг статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш топширилсин.

3.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдумуродов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** S. Negmatov **Ш.Негматов.**